Синов ёрдамида, одатда, бир марталик характердаги аниқ воқеалар тадқиқ қилинади ва шунингдек, олинган маълумотларни ҳамма вақт ҳам умумлаштириб бўлмайди.

Синовнинг камчиликлари юқори харажатлар, субъектив танланган шароитлар, шунингдек, маркетинг режасининг ҳамма параметрлари ва унга таъсир этадиган ҳамма омилларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш имконининг йўқлигидан иборатдир.

4-жадвал

#### Агромаркетинг тадқиқотлари таркиби

Аграр бозорни ўрганиш
Аграр бозор шарт-шароитларини ўрганиш
Агромаркетинг тадқиқотларини умумий шарт-шароитларни ўрганиш
Агромаркетинг тадқиқотларида таклиф таҳлили
Агромаркетинг тадқиқотларида истеъмолчиларнинг товарларга бўлган Алабининг таҳлили
Аграр бозор ривожланиши истиқболларини ўрганиш
Агромаркетинг тадқиқотларини ҳуқуқий шарт-шароитларни ўрганиш
Агромаркетинг тадқиқотларини транспорт шарт-шароитларини ўрганиш
Агромаркетинг тадқиқотларини савдо-сиёсий шарт-шароитларни ўрганиш
Турли мулкчилик шаклларидаги корхонанинг потенциал имкониятларини ўрганиш
Турли мулкчилик шаклларидаги корхонанинг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш
Турли мулкчилик шаклларидаги корхонани рақобат имкониятларини таҳлил қилиш
Турли мулкчилик шаклларидаги хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қилиш
Агромахсулотнинг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш
Агротаъминотчи фирмалар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш
Агросавдонинг субъектлари ва усулларини ўрганиш
Рақобатчи агрофирмалар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш
Агромаркетинг тадқиқотларида харидор агрофирмаларни ўрганиш
Агромаркетинг тадқиқотларида агротижорат амалиётини ўрганиш

**Фокуслаш** «фокус гуруҳи»ни мақсадли танлаш (махсус танланган 10—12 респондент) ва аграр соҳадаги ўрганиладиган муаммони ҳар томонлама муҳокама қилишдан иборат. Бунда мунозаранинг бошлиғи («медиатор») унинг боришига минимал даражада аралашади. Фокус-гуруҳ агромахсулотнинг реал ёки потенциал истеъмолчиларидан, муайян ижтимоий гуруҳ вакилларидан, «фикр етакчиларидан», экспертлардан иборат бўлиши мумкин. Янги маҳсулот, маҳсулот ғояси, мукамаллашган ўрам, реклама компанияси ёки унинг айрим элементларини тестдан ўтказиш ғояси муҳокамага қўйилиши мумкин.

**Сўров** етарли даражада кўп сонли респондентлар гуруҳининг бевосита фикрини тўғридан-тўғри билишни кўзда тутувчи агромаркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг универсал усулидир. Агромаркетинг тадқиқотларида оғзаки сўровлар, почта орқали савол жавоб қилиш, телефон орқали интервьюлар ишлатилади.

Оғзаки сўровлар анча устунликларга эга, чунки улар шахсий мулоқотга асосланган. Бу усулда сўровномалар қайтарилишининг эҳтимоли кўпроқ. Шу билан бирга оғзаки сўровлар юқори харажатлар ва махсус тайёрланган интервьючиларни талаб этади. Фирмалар инсонларнинг билими, дунёқараши, истеъмолчиларнинг талаблари, қониққанлик

даражаси ҳақида маълумотга эга бўлиш, шунингдек, омма назаридаги ўз ўрнининг мустаҳкамлигини ўлчаш учун сўровлар ўтказадилар.

Агар сўров эркин суҳбат шаклини олса, бундай сўров *интервьюлаш* дейилади. Агар саволлар қатъий белгиланган шаклда қўйилса, бундай сўров савол-жавоб дейилади. Сўров ёрдамида олинadиган ахборотларнинг сифати кўп жиҳатдан сўров асосий босқичларининг ўтказилишига боғлиқ.

Сўров варақаларини ишлаб чиқишнинг энг қийин жараёнларидан бири саволларни тузиш ҳисобланади. Бунда қуйидаги асосий талабларга риоя қилиши: ахборотнинг энг муҳим жиҳатларини акс эттириши; икки хил маъноликка йўл қўймаслик; саволларда уларга жавоб беришнинг принципиал имконияти бўлиши керак; саволларнинг шакли сўралувчиларда жавоб бермаслик иштиёқини ўйғотмаслик керак; у сўралувчиларнинг ижобий реакцияларига сабаб бўлиши керак; саволларнинг мазмуни сўралувчиларнинг тайёргарлиги билан маълумоти, билимларининг ҳажмлари ва ҳоказолар жиҳатидан мос тушиши керак.

5-жадвал

### Сўров жараёнини тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий босқичлари

Сўровнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш
Саволларнинг шакли
Танловнинг таркиби ва сонини белгилаш, кўзатиш бирлигини танлаш усули ва сўровни ўтказиш усуллари
“Пилотаж” савол-жавобини шакллантириш
Сўровномаларни кўпайтириш
Сўровномаларни танлаб олиш ва уларга кўрсатмалар бериш
Сўровни ўтказиш
Сўровнома ишини назорат қилиш
Тўлдирилган сўровномаларни таҳрирлаш, жавобларни кодлаштириш
Натижаларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш
Ҳисоботни тузиш
Тижорат қарорларини қабул қилиш бўйича тавсиялар

Тайёрланган биринчи вариантни синаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун дастлаб аналитик жадваллар ишлаб чиқилади. Шундан сўнг сўровномалар лойиҳаси кўзатишнинг 30—40 бирлиги ичида синовдан ўтказилади — сўров қилинади. Бу эса сўровномани оммавий тиражда кўпайтиришдан олдин унга ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

**Почта орқали савол-жавоб ўтказиш** ахборот олишнинг нисбатан арзон усулидир. Кўп вақтга эга бўлиб, сўралувчи ўйлашни талаб қиладиган анча қийин саволларга жавоб бериш имконини беради. Почта орқали сўрашларнинг муҳим камчилиги сўровномалар қайтарилиши даражасининг пастлигидир (максимум 10—15%). Тарқатишга ва тўлдирилган сўровномаларни қайтариб олишга кўп вақт талаб этилади.

**Телефон орқали интервьюлар** — сўровларни ўтказишнинг энг тезкор ва арзон усулидир. У юқори натижавийликка эга (жавобларнинг 80—90%). Бироқ сўровларни ўтказишнинг бундай усули бериладиган саволлар кам сонлиги билан чекланган. Барча

холларда сўровчилар билан алоқалар махсус ишланган сўровномалар асосида ўрнатилади. Саволлар очик ва ёпик бўлиши мумкин (яъни, олдиндан тайёрланган жавоблар вариантлари билан ёки уларсиз). Шунингдек, бевосита ва билвосита саволлар фарқланади (респондент савол мақсадини тушунади ёки тушунмайди). Асосий саволлар билан бир қаторда назорат саволлари ҳам киритилиши мумкин.

Тадқиқотни ишга туширишдан оддий синов савол-жавоблари — «*пилотаж*»ни ўтказиш керак. Унинг мақсади сўровномани «меъёрига етказиш», хатолар, ноаниқлик, икки маънолилиқ ва йўналиш берувчи элементлардан ҳоли қилиш ҳисобланади.

Агроткетинг тадқиқоти давомида олинган ахборот статистик (натижаларни умумлаштириш), корреляцион (алоқалар ва боғланишларни топиш), регрессион (сабабларни ахтариш) ва эҳтимол таҳлилидан ўтказилади. Шунга кўра асосий хулосалар шаклланади, ишчи гипотезалар тасдиқланади ёки инкор этилади ва буюртмачиларга ёки бошқа манфаатдор шахсларга тавсиялар берилади.

Сўровнома сўровлари ёрдамида аниқланадиган ахборотнинг сифати кўп жиҳатдан сўров учун масъул шахсларни (регистраторларни) танлаш ва ишнинг ташкил этилганлик даражасига боғлиқ.

Сўровнома сўровининг якуний босқичи бўлиб сўров натижалари бўйича ҳисоботни тузиш ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳисобот, одатда, ўз ичига уч бўлимни олади: кириш, сўров натижалари, хулосалар ва таклифлар.

Агроткетинг тадқиқотлари ҳам ўз кучи билан, ҳам жалб этилган мутахассислар ёрдамида ўтказилиши мумкин. Мутахассислар касбий малакаси ва турли хил тадқиқотларни олиб бориш тажрибаси туфайли чуқур билимга эга бўладилар. Улар муаммога «янги кўз билан», мустақил ва объектив қарашлари мумкин. Ривожланган мамлакатлар бозорларида агроткетинг тадқиқотларини олиб бориш учун ташкилотларнинг икки гуруҳи жалб этилади: агроткетинг ва агроконсалтинг фирмалари.

*Агроткетинг фирмалари* анча яхши йўлга қўйилган механизм ва кенг ёйилган сотиш тармоқларига эга. Бироқ улар тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни чуқур таҳлилсиз буюртмачиларга тақдим этадилар. Бундай фирмалар оммавий талабнинг нисбатан оддийроқ товарлари бозорларини тадқиқ қилишда афзалроқдир.

*Агроконсалтинг фирмаларидан* олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш керак бўлганида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Одатда, консалтинг фирмалари анча мураккаб бозорларда ишлайдилар (кучли рақобат, тармоқланган сегментация, ўзига хос омилларнинг таъсири ва ҳоказо).

Иқтисодий адабиётларда шу вақтгача илғор маркетинг қуролларини кенг ва ҳар томонлама ҳисобга оладиган агроткетинг тадқиқотларини олиб боришнинг тўлиқ чизмаси чоп этилмаган. Бу нуқсонни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

*Биринчидан, агроткетинг тадқиқотини олиб бориш алгоритми унинг мақсади ва вазифаларига кўп даражада боғлиқ.*

*Иккинчидан, агроткетинг тадқиқотларини режалаштириши чизмасини амалдаги мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда онгли равишда соддалаштириши.*

*Учинчидан, агроткетинг тадқиқотларини олиб бориш усуллари ва методларининг доимий равишда янги ишланмалар билан тўлдирилиб бориши.*

Агроткетинг тадқиқотлари агроткетинг эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган ихтиёрий маркетинг фаолиятидан бошқа нарса эмас, яъни муайян агроткетинг фаолияти учун маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизимидир. Демак, агроткетинг тадқиқоти бу ерда турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарнинг маркетинг фаолияти ҳар қандай циклининг бошланиши ва мантикий якуни сифатида намоён бўлади. Савол келиб чиқади: бундай тадқиқотнинг мақсади нима?

Табиийки, маркетинг қарорларини қабул қилишда дуч келадиган ноаниқликларни камайтириш.

Шуни айтиш керакки, адабиётда ҳар қандай агромаркетинг тадқиқоти ўзаро боғлиқ бўлган икки қисм: муайян агробозорларни ва агрофирмаларнинг бозорга чиқиши ва ўз ўрнини мустаҳкамлаб олиши учун ўзининг имкониятларини ўрганишдан иборат, деган тасаввур пайдо бўлган. Бундан келиб чиқадики, агробозорни ўрганиш — комплексли агромаркетинг тадқиқотининг бир қисми. Агромаркетинг тадқиқотининг мажбурий шартлари куйидагилар:

— *тадқиқотлар тизимли ҳарактерда бўлиши керак, шу ҳолдагина самарадорликни кутса бўлади;*

— *агромаркетинг тадқиқотларини олиб боришда объективлик ва аниқликка асосланган илмий ёндашишга риоя этилиши керак;*

— *агромаркетинг тадқиқотлари қарор қабул қилиш учун ахборот талаб этадиган маркетингнинг ҳар қандай томонига нисбатан қўлланилиши мумкин;*

— *тадқиқот — маълумотларни тўплаш, материалларни қайд қилиш ва таҳлил қилишни ўз ичига оладиган кўп босқичли жараён;*

— *маълумотлар корхонанинг ўзидан, бетараф ташкилот ёки мутахассис тадқиқотчилардан келиб тушиши мумкин.*

Шу билан бирга кейинги пайтларда агромаркетинг тадқиқотларида кенг маънода жамоат фикрини баҳолаш, ижтимоий тадқиқотлар кенг қўлланила бошлади. Халқаро савдо палатаси **ЭСОМАР** (Жамоатчилик фикри ва маркетингни ўрганиш бўйича Европа ҳамжамияти)нинг 1976 -йилда қабул қилинган маркетинг ва ижтимоий тадқиқотлар амалиётига доир Халқаро кодексига кўра маркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг муайян ёндашиш (қоида)лари мавжуд. Мазкур ҳолда маркетинг тадқиқотлари деганда алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг иқтисодий, жамоат, сиёсий ва ҳар кунлик фаолиятида уларнинг хулқатвори, эҳтиёжлари, муносабатлари, фикрларига тегишли маълумотларни тизимли тўплаш ва объектив ёзиб олиш, таснифлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш тушунилади.

Бундан келиб чиқиб агромаркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг асосий тамойиллари куйидагича талқин этилиши мумкин:

1. *Агромаркетинг тадқиқотлари жамоатчилик ишончига боғлиқ, яъни бу тадқиқотлар ҳаққоний, объектив, ноўрин аралашувларсиз ва сўроққа тутилувчи шахсларга зарар етказмасдан олиб борилиши, жамоатчилик билан ихтиёрийликка асосланган ҳамкорликда олиб борилиши ҳақида ишонч бўлиши керак.*

2. *Агромаркетинг тадқиқотлари шахс ҳуқуқларини бузмаслиги керак.*

3. *Агромаркетинг тадқиқотлари ҳамма жойда амал қилинадиган юқори андозалар даражасида ҳалол рақобат тамойилларига мос ҳолда олиб борилиши керак.*

4. *Агромаркетинг тадқиқотларни олиб борувчи мутахассислар ишининг сифати ва хулосаларнинг асосланганлигини баҳолаш учун керак бўладиган ахборотларни тақдим этишга тайёр бўлиши керак.*

Агромаркетинг тадқиқотларининг ҳозирги ҳолати доимий эътибор ва муҳокамага сазовор бўлган учта тенденция билан тавсифланади. Булар — тижорат маълумотлар базасининг тобора очик бўлаётганлиги, янги технологаялардан фойдаланишнинг ўсиши ва сўралувчилар ўртасида сўров ҳақидаги фикрнинг ёмонлашуви. Бу тенденциялар агромаркетинг тадқиқотининг икки йўналишга: **кабинетли ва дала тадқиқотларига** бўлинишини тақозо этди.

**Кабинетли тадқиқотлар** — аллақачон мавжуд бўлган иккиламчи ахборотга («ёзув столидаги тадқиқот») ишлов бериш. Иккиламчи ахборот — ҳозирги вақтдаги мақсаддан фарқли бўлган мақсадлар учун олдиндан тўпланган маълумотлар. *Иккиламчи ахборотнинг афзалликлари* ишлар қийматининг пастлиги, чунки янги маълумотларни тўплаш керак эмас; материални тўплаш тезлиги; бир нечта ахборот манбаларининг мавжудлиги; муаммони олдиндан таҳлил қилиш имконияти. *Камчиликлари*: ўтказиладиган тадқиқотнинг мақсадларига умумий характери жиҳатидан ҳамма вақт ҳам тўғри келмайди; маълумот эскирган бўлиши мумкин; маълумотлар тўпланган услубият мазкур тадқиқотнинг мақсадларига мос тушмаслиги мумкин.

**Дала тадқиқоти** — муайян агромаркетинг таҳлили учун маълумотларни махсус тўплаш ва ишлов бериш. Дала тадқиқоти бирламчи ахборотга, яъни муайян тадқиқот қилинаётган муаммони ҳал қилиш учун ҳозиргина олинган маълумотларга асосланади. *Бирламчи ахборотнинг афзалликлари*: маълумотлар тадқиқотчилик вазифасининг аниқ мақсадларига кўра тўпланади; маълумотларни тўплаш услубияти назорат қилинади; ҳамма натижалар корхона учун очиқ ва сир сақланиши мумкин. *Камчиликлари*: моддий ва меҳнат харажатларининг кўплиги.

Одатда, дала ва кабинетли тадқиқотлар амалиётда бир-бирини тўлдиради. Агромаркетинг тадқиқотларининг бир қисми бўлиб агробозор конъюнктурасини, яъни шу пайтда мазкур агробозорда турли хил шароитлар йиғиндиси таъсирида вужудга келган ҳолатни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Маркетинг жараёнларининг ривожланиш вариантларини баҳолашда иммитацион моделлаш методлари қўлланилади. Уларнинг моҳияти маркетинг муҳитининг назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган омилларининг математик моделини тузишдан иборат. Кўпгина ҳолларда маркетинг тизими таъсири натижаларининг агромаркетинг муҳити омилларига аналитик боғлиқлигини аниқлаш мумкин. Ва, албатта, агромаркетинг тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар корхонанинг маркетинг ахборот тизимида тўпланиши керак.

### **Агромаркетинг тадқиқотларини режалаштиришнинг алгоритми**

Даставвал айтиш керакки, агросаноат мажмуасида агромаркетинг тадқиқотларини режалаштиришнинг энг тўлиқ чизмаси ҳамма санаб ўтилган фаолият йўналишларини ҳисобга олиши керак. Умуман, айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, агромаркетинг тадқиқотларининг алгоритми 4.3.1-расмда келтирилган кўринишда бўлиши керак. Келтирилган чизма умумий характерга эга, шунинг учун агробозорнинг турли хил субъектларини таҳлил қилиш учун муқобил ёндошувларни ўз ичига олиши мумкин. Муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг бирорбир босқичлари ҳал этилаётган муаммонинг ҳажми, хусусиятлари ва муҳимлигига боғлиқ ҳолда тушириб қолдирилиши мумкин.

Энди эса чизманинг баъзи босқичларини — унинг методологик асосларини, имкониятларини, амалиётда синалган услубиятини чуқурроқ баҳолашга ҳаракат қилайлик.

**Тадқиқот муаммосини аниқлаш.** Бу моҳияти жиҳатидан агромаркетинг тадқиқотининг объекти, предмети ва методини ифода этишдир. Бу жараённинг бажарилиши бошқарувчилик қарорини қабул қилиш учун муайян ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишга йўналтиради. Тадқиқотнинг объекти ўрганилаётган «бош йиғинди» бўлиши мумкин: географик бозор, истеъмолчиларнинг муайян гуруҳи, муайян тизим, рақобатчи фирмалар, корхонанинг ички муҳити ва ҳоказо. Тадқиқотнинг предметлари сифатида аниқ товарлар, хизматлар, корхонанинг потенциали ёки обрў иззати чиқиши мумкин, яъни агромаркетинг тадқиқотларининг натижалари асосида нимага нисбатан бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш режалаштирилади. Тадқиқот методи илмий изланишни амалга ошириш усулидан иборат.

Агросанаот мажмуасидаги муаммони аниқлаш
Агромаркетинг тадқиқотининг концепцияларини ишлаб чиқиш
Агросанаот мажмуасида кабинетли ва дала маркетинг тадқиқотлари
Агросанаот мажмуасининг ташқи бозорларини ўрганиш
Агросанаот мажмуасида имитацион моделлаштириш
Агросанаот мажмуасида маркетинг инфор­мацион тизимини шакллантириш
Агросанаот мажмуасида муаммо бўйича бошқарувчилик қарорлари

#### 4.3.1-жадвал. Агросанаот мажмуасида агромаркетинг тадқиқотларининг алгоритми

**Тадқиқотнинг концепцияларини ишлаб чиқиш.** Тадқиқотнинг бу босқичида агросаноат мажмуидаги вазифани қандай қилиб ечиш кераклигини аниқлаш муҳимдир. Тадқиқотнинг концепциясини ишлаб чиқиш ўз ичига агросаноат мажмуасида гипотезаларни аниқлаш, маълумотларни тўплаш методи ва танлаб олинган тўпламнинг ҳажми каби жараёнларни ўз ичига олади. Фаразнинг назарий гипотезасини шакллантириш тадқиқот натижаларини сўнгги статистик текширишни ўтказиш ва эркин талқин этиш имкониятларини чеклаш учун зарурдир. Гипотезаларнинг манбаи бўлиб ижодий ва мантиқий фикрлаш, ўхшашликлар, тегишли адабиётларни ўрганиш лозим. Тадқиқотни ташкил этишнинг зарурий шарти бўлиб бош тўпламни олдиндан ўрганиб чиқиш, унинг бир хиллигини баҳолаш ва танлаб олинган тўплам ҳажмининг асосланганлиги ҳисобланади.

**Кабинет ва дала маркетинг тадқиқотлари.** Агромаркетинг фаолиятининг амалиёти ўргатадики, ҳар қандай агромаркетинг тадқиқотини кабинетли тадқиқотлардан, яъни бошқа тадқиқотлар жараёнида икқиламчи ахборотнинг таҳлилидан бошлаш яхшидир. Агросанаот мажмуасида корхона потенциалининг таҳлили, рақобатчилар таҳлили, корхонанинг ички (микро) ва ташқи (макро) муҳитининг таҳлили энг муҳим ҳисобланади. Агросанаот мажмуасида корхона потенциалининг таҳлили корхона фаолиятининг ҳамма соҳаларини, шу жумладан, менежмент, маркетинг, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар, молия ва бошқаларни қамраб олиши керак. Корхонанинг ишида очилган кучли ва кучсиз томонлар асосида атрофмуҳитнинг ижобий ва салбий таъсирини рақобатчиларга нисбатан аниқлаш осонроқдир. Оддий қилиб айтганда, потенциал таҳлилининг асосий мақсади— агросаноат мажмуасида корхонанинг реал имкониятларини аниқлаш. Миқдор кўрсаткичларининг манбаи ички ҳисобот ва ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Агросанаот мажмуасида рақобатчиларнинг таҳлили реал ёки потенциал рақобатчилар қаторига киритиш мумкин бўлган агрофирмаларни аниқлашни билдиради. Бўлиши мумкин бўлган рақобатчиларни баҳолашнинг энг мақсадга мувофиқ усуллари — мавжуд маълумотлар асосида махсус экспертлик тадқиқотлари ва билвосита ҳисоб­китоблар. Рақобатчилар таҳлилида «акс эттириш» усули ижобий натижалар бериши мумкин. Бу усул қизиқтирган корхона ҳақидаги ахборотни унинг мижозлари ёки воситачиларидан билишдан иборат. Агросанаот мажмуасида корхона ва асосий рақобатчиларнинг имкониятларини таққослашнинг жуда қулай воситаси рақобатбардошлик кўпбурчакларини тузишдир (14-расм). Улар вектор ўқлар уринишида тасвирланган фаолиятнинг энг муҳим йўналишлари корхона ва рақобатчилар мавқелари баҳоларининг график бирлашмаларидан иборат. Агросанаот мажмуасида корхона ва асосий рақобатчилар фаолиятининг таққосланадиган йўналишлари сифатида қуйидагилар танланиши мумкин: товар ёки хизмат концепцияси, сифати, нархи, молия, савдо, сотгандан кейин хизмат кўрсатиш, ташқи сиёсат, сотишдан олдинги тайёргарлик. Турли хил корхоналарнинг рақобатбардошлик кўпбурчакларини бир-бирининг устига қўйиш орқали бир корхонанинг иккинчисига нисбатан кучли ёки кучсиз томонларини аниқлаш мумкин.

Агросанаот мажмуасида агромаркетинг микро-муҳитининг омилларини баҳолаш корхонага қизиқаётган ёки унинг қўйилган мақсадга эришиш қобилиятига таъсир

кўрсатаётган одамлар гуруҳини аниқлашдан иборат. Бу гуруҳлар таъминотчилар, маркетинг воситачилари, молия муассасалари, давлат идоралари, фуқаролар гуруҳларидан иборат.

Маълумки, агросанаот мажмуасида ҳар қандай корхонанинг фаолияти ташқи муҳит омиллари таъсирида амалга оширилади. Бу омиллар ижтимоий, иқтисодий, технологик, сиёсий ва маданий омилларга бўлинади. Йиғиндида улар агросанаот мажмуасида корхонанинг тижорат фаолияти натижаларига таъсир этиб, кўп жихатдан келажакдаги истиқболни белгилайди.

Анъанага кўра агромаркетингнинг дала тадқиқотларида зарурий ахборотни олиш учун асосан сўров усули қўлланилади. Сўров оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Дала тадқиқотларининг 90 %га яқинида шу усулдан фойдаланилади. Кўзатиш ахборотни олиш усули сифатида агробозор тадқиқотларида сўровга қараганда камроқ ишлатилади. Синов бир омилнинг бошқа омилга таъсири бир вақтнинг ўзида бегона омилларни назорат қилиш билан бирга ўрганилишидан иборат.


### Агромаркетинг тадқиқот режасини амалга ошириш

Бу бўғинда тадқиқотчи маълумотлар ва ишлаб чиқариш жараёнини таҳлили маркетинг тадқиқоти режасини амалга оширади. Маълумотлар йиғиш тадқиқотчилар томонидан ўз компанияларида ёки мустақил фирмалар билан ўтказилиши мумкин.

Биринчи ҳолатда фирма маълумотларни, яъни йиғма маълумотлар сифатини яхшилаб кузатади. Лекин мустақил йиғилган маълумотларга мос-лаштирилган фирмалар шу ишларни тез, арзон ва сифатли бажариши мумкин.

Тадқиқотчи олинган натижаларни чуқур таҳлил қилиши, аниқ бир фикрга келгандан сўнг уларни раҳбарларга етказиши керак. Раҳбарларга берилган хисобот кўплаб фойдали қарорлар қабул қилиш учун қулай бўлиши керак.

¶9. Расм. Талабнинг 90 турдаги ўлчами



**Шарҳлаш - маркетинг** жараёнининг зарур босқичидир. Агар бошқа-рувчи ишонч билан тадқиқотчининг хато шарҳини қабул қилса, бунда мукам-мал тадқиқот ҳам бефойдадир. Бунда унинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлади.

Шунинг учун бошқарувчи ва тадқиқотчилар олинган шарҳлар жараёнида бир-бирлари билан яқин алоқада бўлишлари керак ва қарор қабул қилишда тадқиқот жараёнида жавобгарликларни ҳам ўзаро бўлиб олишлари керак.

Учта вақт даражаси (қисқа муддатли, ўртача муддатли, узоқ муддатли) қўлланади.

Бозор талабларини, маълум бир маҳсулот ёки хизматнинг потенциал ва мавжуд бўлган, шарт-шароитлари пухта ҳисобга олинади.

### **Эҳтиёжни ўлчаш**

Компания ўзига жалб қилувчи бозорни топгандан сўнг, потенциал имкониятини ва унинг ўлчовини тўғри баҳолаши керак. Ўлчам ва олдиндан қилинган сўровлар кўп даражали характерга эга. 17-расмда сўровнинг 90 хил ўлчови келтирилган. Маҳсулотнинг 6 та ҳар хил даражасини ўлчаш мумкин (Маҳсулот навининг бирлиги, маҳсулотнинг тоифаси, маҳсулот навлари) битта макон даражасига: истеъмолчи, вилоят, мамлакат, минтақа, бутун дунё. Бозор потенциал ва мавжуд бўлган ҳамма харидорлар, маълум бир маҳсулот ёки хизматларнинг йиғиндисидир.

Аниқ бир маҳсулотни таклиф қилувчи ёки маҳсулот ўрнини босувчи уюшма.

Ҳамма маҳсулот сотувчилар ёки хизмат йиғиндиси ҳисобланади. Маълум бир маҳсулотга ёки хизматдан фойда олишга қизиққан харидорлар йиғиндисига бозор деб аталади. Маълум бир маҳсулот ёки хизматдан фойда олиш унда фойдаланишга қизиқувчан харидорларнинг йиғиндиси ихтисослаштирилган бозор дейилади.

Фирма ўз ҳаракатини йўналтиришга келишган ихтисослашмаган бозорнинг бир қисми мақсадли бозор деб айтилади.

Маълум бир маҳсулотга ёки хизматга эгалик қилувчи харидорларнинг йиғиндиси хизмат кўрсатувчи бозор деб номланади.

### **Кундалик бозор эҳтиёжини ўлчаш**

Одатда маҳсулотлар бозорнинг эҳтиёж баҳосига учта нуқта назардан қаралади: бозор эҳтиёжлари мажмуи нуқтаи назаридан, минтақавий бозор эҳтиёжи, бозор қисмидаги ҳақиқий сотиш (10-расм).

Келажак эҳтиёжлар баҳоси, таклифлар асосида сотиб олувчининг бир қатор шартларининг бажарилиши келажакда олдиндан билиш усули билан амалга оширилади.

Эҳтиёж маълумотларини тузишда босқичли бажариладиган иш тартибидан фойдаланилади.

Компаниянинг атроф - муҳит ҳақидаги дастлабки маълумотлари, сўнгра тармок маълумотлари ва энг охири компаниянинг эҳтиёжий маълумотлари.

Харидор ҳаракатларининг олдиндан билишнинг бир усули истеъмолчиларнинг саволларга берган жавоби, харидорлар сўровлари асосида кўзлаган мақсадлари ўрганилади.

Сотиб олишга асосланган усуллар	Фаолият
Сотиб олмақчилар	Истеъмолчи мақсадларини ўрганиш Савдо ходимларининг фикрларини умумлаштириш Эксперт баҳолаши
Сотиб олаётчилар	Синовли маркетинг
Сотиб олишди	Вақт қаторлари таҳлили Олға борувчи индикаторлар Сотишнинг статистик таҳлили

*10. Расм. Сотини башорат қилишнинг асосий усуллари*

## **Олдиндан билишнинг турлари ва асосий усуллари**

Харидорлардан кўзланган аниқ мақсадлар акс этган сўров қимматбаҳо сўровдир.

Агар суҳбатлар давомида харидорлардан исталган жавоблар самара бермаса, унда компания эҳтиёжини олдиндан билиш ишларини бажариши мумкин. Яъни савдо ходимларидан олинган маълумотлар асосида. Қоида бўйича ўзининг бозордаги эҳтиёж молларини баҳолаш учун уюшма ўз сотувчиларидан сўровлар ўтказди, кейин эса алоҳида эҳтиёжлар гуруҳини таклиф қилади.

Улар фикр алмашишади ва жамоа баҳосини ишлаб чиқади ёки уюшманинг таҳлил гуруҳи ўртача баҳони киритади. Шу билан бирга баҳо ва таклифларини асослашади ва уларни уюшманинг таҳлил гуруҳига ўрганиш учун беришади. Шундан сўнг навбатдаги баҳоларни тайёрлаш босқичи бошланади.

Агар харидорлар ўзларининг харид режалари устида диққат билан шуғулланмас экан бундай харидорлар ўзларига эксперт гуруҳларини жалб қила олмайди, баҳо эса ишончли бўлмайди.

Пухтароқ ҳисоб учун маркетинг узоқ муддатли (йилдан-5 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача) ва қисқа муддатли (1 йил) башоратларга ажратилади.

Узоқ муддатли башорат кичик бизнесда янги маҳсулот ассортименти бўйича ишлаб чиқилади ва у янги бозор пештахталарини эгаллаш, инвестиция ва маркетинг стратегиясидаги янги ечимлар билан боғлиқ бўлади.

Ўрта ва қисқа муддатли маълумотлар маркетинг тактикасида маҳсулот ва материалга, ишчи ресурсларига, молияга, ишлаб чиқариш режасига боғлиқ.

Маркетинг мутахассислари ишбилармонликда маркетингни режалаштиришни маълумотларда кўришади.

А.Хоскинг фикрича, узоқ муддатли режалаштириш қуйидагича мўлжалланади: эҳтиёж ташқи омиллар асосида аниқланади, иқтисодиётнинг ўзгариши, ижтимоий технологик муҳит. Маркетинг уюшма комплексидан кўриниб турибдики, узоқ муддатли маълумотда режа маълумотдан илгарилаб туриши асосида ўзларининг режаларини тузишади. Бундан олдин эҳтиёж ҳолатидан келиб чиқиб статистик таҳлиллар қўлланилади.

Илгариги эҳтиёж даражаси орасидаги алоқани ва натижани келтириб чиқарган сабаблар ўрганилиб, келгусида эҳтиёж даражасига боғлиқлик олдиндан белгиланади. Вақтинчалик таҳлил қаторлари олдинги эҳтиёж даражасини 4 га бўлади: тренд, цикл, мавсум.

Шериклар эҳтиёж маълумотларини тузиш учун бу таркиб кейинчалик қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Узоқ муддатли жиддий демографик ҳолатлардаги ўзгаришлар асосини эҳтиёжининг ўсиши ёки пасайиши тенденцияси мулкчилик ва технологияда тренд деб аталади.

Қисқа эҳтиёж кўрсаткичлари ўрта давомийликдаги тебранишларининг умумиқтисодий ва рақобатчилик фаолияти турини кўрсатади.

Цикл таркибида ўрта муддатли башорат мушкул. Цикли тебранишларнинг доимий эмаслигини кўзда тутган ҳолда ҳам олдиндан айтиш қийин.

Мавсумийлик йил давомида эҳтиёжнинг ўзгариши қоидаларини кўрсатади.

Мавсум терими ҳар соатда, ҳар ҳафтада, ҳар ойда ва ҳар чоракда такрорланадиган эҳтиёж тузилишини кўрсатади.

Муддатли таркиб об- ҳаво билан, байрамлар ва урф- одатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мавсумий тузилиш қисқа муддатли эҳтиёжни олдиндан айтишга асос бўлиб хизмат қилади.

Харидорларнинг ақл бовар қилмайдиган ҳаракати ва қарорлари, иш ташлашлар, табиий офатлар, ер қимирлашлар, ёнғинлар, жамият тартибининг бузишлари ва бошқалар тасаввур қилинмаган ҳолатлар ва бошқа воқеалар тушунчаси билан бирлаштирилган. Эҳтиёжни олдиндан айтишда кўп уюшмалар бир ёки бир неча барвақт индикаторлар асосидаги йўналишда ўзгарадиган, уюшма эҳтиёжи даражасига мос келадиган қаторларда ҳаракат қилишади.

Эҳтиёж ва бир-бирига таъсир этувчи аниқ омилларни юзага чиқариш учун қўлланиладиган статистик тадбирлар йиғиндиси талабнинг статистик таҳлилини кўрсатади.

Уюшма маълумотиغا биноан маркетинг тизими ёрдамида йиғилган маълумотлар пухта таҳлил қилиниши керак.


Баъзан менеджерларга олинган маълумотлар бўлади. Қўллашда уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам керак. Маълумотлар замонавий статистик усуллар билан маълумотлар йиғмасининг тўла ва ишончли эканини аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади. Лекин маълумот оптимал қарорлар қабул қилиш учун қўлланмагунча маълум қимматга эга бўлмайди.

Барча йиғилган маълумот ўз вақтида менеджерга етказилиши керак.


### **Халқаро маркетинг тадқиқотлари**

Иқтисодиётнинг юксалиши менеджерлар олдида турган муаммоларнинг ўсишига олиб келади.

Халқаро тадқиқотларга чет эл бозорларида сифатли иккиламчи маълумотларни йиғишда бир қатор муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келмоқда.



11. Расм. Маркетинг тадқиқоти ва маркетинг тизими



## 12. Расм. Ижтимоий- иқтисодий ва табиий муҳит

Бундай ҳолларда маркетинг тадқиқотчилари ички бозорлардан ишончли иккиламчи маълумотларни олишлари мумкин. Ташқи бозорларда эса тадқиқотчилар компанияси ширкат (бозорларда) иштирок этмайди. Баъзи тадқиқотчилар компанияси алоҳида йирик иқтисодий минтақаларда ишлайдилар. Лекин кўплаб мамлакатлар буларнинг ҳеч бирига қирмайди.

Шундай қилиб, ҳаттоки мумкин бўлган иккиламчи маълумотларни кўплаб манбалардан йиғишга тўғри келади, бу эса унинг тартибга солиш ва бирлаштириш (солиштириш) жараёнини қийинлаштириши мумкин.

Асосий тўсиқ - оғзаки тил.

Масалан, тадқиқот ўтказилаётган ерда сўровнома она тилида ёзилиши керак бўлган, кейин эса ўша давлат тилига таржима қилинган. Шунинг учун турли давлатларда сотиб олиш халқаро маркетинг тадқиқотларини олиб беришни қийинлаштиради. Бошқа давлатларнинг истеъмолчилари ҳам маркетинг тадқиқотларига муносабатлари билан бир-бирларидан фарқ қилишади. Бирлари саволларга қониқарли жавоб берадилар, бошқа бирлари эса жавоб беришдан бош тортишади.

### **Агроткетингни тадқиқ қилиш йўналишлари ва сиғимини аниқлаш методикаси**

Агроткетингни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш ўз олдига компаниялар, фирма (корхона) товарларини самарали сотиш имконини, унинг кенгайтириш учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб қўяди.

Бу мақсадни амалга ошириш учун чуқур агроткетинг тадқиқотлари амалга оширилади.

Агроткетингни маркетинг нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чиқадиган товарларнинг бозор ва истеъмолчининг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Бу нарса фирманинг юқори рентабелли, рақобатга бардошли фаолияти асосида амалга ошириши керак.

Бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик ва товарларнинг марказий таъминоти шароитида бозорни ўрганиш моҳияти ўз маъносини йўқотади.

Эркин бозор муносабатларининг ривожланиши билан ишлаб чиқарувчилар кенг бозор изланишлари орқали ўз маҳсулотларини сотишни таъминлайди, унинг натижалари ишлаб чиқариш ва сотиш дастури тузишда асосий манба сифатида фойдаланилади.

Бозорни ўрганиш потенциал истеъмолчилар эҳтиёжларини, уларнинг товарларга бўлган талабларини, талаб мотивини аниқлашга имконият беради, бу нарсалар эса корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда катта роль уйнайди.

Харидорларнинг истеъмол қилиш технологиясини, ишлаб чиқарувчи тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, келажакдаги эҳтиёжни прогнозлаш ва бозорга янги турдаги маҳсулот таклиф қилиш имконини беради. Бу тадбирлар сотиш ҳажмини орти-шига ва бозорнинг катта улушига эгаллик қилишига ёрдам беради.

Агротаркетинг тадқиқотининг асосий усули - бозорни сегментлаш асосида системали таҳлил қилишдир. Маркетинг қарорларини қабул қилишда керакли самара ва исталган натижага эришишда ахамиятлидир.

Агротаркетингни ўрганиш натижасида икки хил ахборот олинади: миқдорий - бозор сифими, бозорда фирманинг иши ва унинг рақобатчилари хақида ва сифат характеридаги ахборот - бозор структураси; сотилаётган маҳсулотнинг эҳтиёжларга, алоҳида истеъмолчилар ўлчамларига мос келиш даражаси; уларнинг сифат, тип, турларига куйиладиган талаблари; истеъмолчилар фойдаланадиган моддий ресурслар хақида.

Тадқиқот самарадорлигини таъминлашни ўрганиш бир қатор тад-бирларни амалга оширишни: талаб қилинадиган ахборотларни муҳимлигини баҳолаш; ахборот йиғиш манбаларини ва таҳлил усулларини танлаш; ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, такомиллаштириш йўллари излаш; изланиш ва унинг натижаларининг самарадорлигини назорат қилишдан иборат бўлади.

Ахборотларнинг объективлиги ва аниқлиги таркетинг самара-дорлигини аниқлайди. Шунинг учун ҳам машҳур фирмалар барча мамлакат ва бозорларда ахборот тизимлари ташкил қилишади. Бу ўринда Япон фирмаси "Мицубиси" нинг ахборотлар тармоғини мисол қилсак, у 14 минг мутахассис, 120 дан кўп чет эл ва 60та Япон контораларидан иборатдир.

Маркетинг тамойили асосида ишловчи етакчи фирмаларнинг (компанияларнинг) тажрибаси шунинг кўрсатадики, тадқиқот ишларининг самарадорлиги куйидаги йўналишлар бўйича олиб борилганда ошади:

- бозор сифимини аниқлаш, бозор "овкати" (озиғи) ни топиш;
- харидорлар амалиётини, мотивларини, уларнинг хулкатворларини таҳлил қилиш;
- сотишнинг умумий шартларини таҳлил қилиш ва уни прогнозлаш;
- рақобатчиларни, улар стратегияси ва тактикасини ўрганиш;
- бозордаги рақобатнинг ўзини таҳлил қилиш.

Агротаркетинг ўлчамларини аниқлаш, агрофирма ўзининг хар бир товари учун бозорнинг айнан қайси қисмини эгаллаганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу товар ассортименти ва сотиш дастурини режалаштиришда кўл келади.

Амалга оширилган тадқиқотлар шунинг кўрсатадики, алоҳида товарлар бозори кучсиз рақобатнинг мавжудлиги билан фарқланиши мумкин.

Лекин бу нарса фирма рақобатчилари фаолиятини ўрганиш керак эмас дегани эмасдир.

Тадқиқотлар куйидаги ҳолларда зарурдир:

\* республика агробозорида агромаҳсулотларни сотувчи фирма ёки компанияларни фаолиятини ўрганиш учун;

\* аграр ишлаб чиқаришни талабга эга бўлган агромаҳсулотни ишлаб чиқаришга ўзгартириш;

\* янги маҳсулот, бошқаришнинг янги усулларига ўтиш билан рақобатчилар курашининг кучайиш эҳтимоли учун;

\* ташқи бозордаги рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида.

Агромаркетинг фаолиятининг муҳим объекти - фирма учун энг муҳими, бозорларни аниқлашдан иборатдир. Алоҳида товарлар ва товар гуруҳлари, алоҳида регионлар ва мамлакатлар, ички ва ташқи бозорлар, капитал, иш кучи, қимматбаҳо қоғозлар, харидорлар ва сотувчилар бозорлари мавжуд. Улар ичидан энг муҳими ташқи ва ички бозорлардир. Ички бозор - бир мамлакат чегарасидаги товар муомаласини ўз ичига олса, ташқи бозор - миллий давлат чегаралари ортидаги товар муомаласи йиғиндисидир. Ички бозор иштирокчилари маҳаллий ва чет эл фирмалари, корхона ва ташкилотлар; ташқи бозор иштирокчилари алоҳида мамлакатлар миллий чегарасидан ташқарига чиқадиган товар муомаласида иштирок этадиган корхона ташкилот, фирмалардир, яъни бу бозор маълум бир мамлакатга нисбатангина ташқи ҳисобланади.

Ички ва ташқи агробозорларнинг ривожланиш даражаси, улар конъюктураси ва сиғимига боғлиқ бўлади. Маълумки, конъюктура бу - маълум даврдаги баҳо даражаси шароитидаги талаб ва таклиф нисбатидир.

Агромаркетинг конъюктурасини ва унинг истикболларини етарлича ҳисобга олмаслик, корхоналар учун инкироз, зарар, синишга айланиши мумкин. Етарлича миқдордаги буюртманинг йўқлиги сабабли "Конкорд" дастури бўйича самолёт ишлаб чиқариш тўхтаб қолди, бундаги илмий-изланиш, тажриба-конструкторлик ишлари учун 2.5 млрд. доллардан кўп маблағ сарфланган.

Агромаркетинг конъюктураси бир-бири билан узвий ўзаро алоқадорликда бўлган ва унга бир вақтда таъсир қилувчи иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий-техник омилларга боғлиқ бўлади, бу омиллар конъюктурани тўлдириши, кучайтириши ёки аксинча, сусайтириши мумкин.

Агромаркетинг конъюктурасига иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш, илмий-техника тараккиёти, капитал ва ишлаб чиқаришнинг марказлашуви, инфляция, иқтисоднинг харбийлашуви орқали таъсир утказиш мумкин.

Омилларнинг бир қисми доимий эмас, шунинг учун конъюктурага эпизодик таъсир утказди. Бундай омилларга қуйидагилар киради: ижтимоий омиллар, жумладан, иш ташлаш, байкотлар, табиий офатлар, бекарор сиёсий ҳолатлар ва бошқалар.

Маълум агробозорлар шартлари ва хусусиятларига боғлиқ равишда конъюктура ҳосил қилувчи омиллар сони ўзгаради. Уларнинг конъюктурага утказадиган таъсир кучи ҳам ўзгарувчандир. Биргина омил турли хил шароитлар ва вақт оралигида маълум бозорга ва унинг алоҳида секторларига турлича таъсир қилади.

Мана шу сабадан конъюктурани ўрганиш фақатгина муҳим ва керакли булмай, балки мураккаб ҳамдир. Бу иш турли усулларда ўз кучлари билан ва воситачи ихтисослашган фирма ва ташкилотлар орқали амалга оширилади. Бу фаолият натижалари мос келувчи даврдаги конъюктура ҳолати сифатида расмийлаштирилади. Конъюктура ҳолатининг комплекс тавсифномаси унда ўз аксини топади, асосий йуналишлар, прогноз ва унинг ривожланиши таъкидланади.

Конъюктурани тадқиқ қилиш агробозорнинг товар билан тўйиниши иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш билан яқунланиши керак. Агромаркетингнинг туридан катъий назар, иқтисодий самарадорлик натижалар ва харажатлар нисбати билан аниқланади. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги деганда, соф валюта тушумининг (ташқи бозордаги экспорт операциясига қилинган харажатларни валютада чиқариб ташлангандан кейинги реализациянинг валюта баҳосининг) мамлакатда ишлатилаётган товарни ишлаб чиқариш ва ташиш харажатлари ўртасидаги нисбатан  $\mathcal{E}$ , тушунилади, у коэффицент ( $K_3$ ) кўринишида ифодаланади:

$$K_3 = \frac{\mathcal{E} : 100}{\mathcal{E}_3}$$

Агросаноат мажмуаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозори сиғими белгиланган баҳо шароитида маълум давр мобайнида бозорда сотилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг умумий хажмини ифодалайди ва қуйидагича аниқланади:

$$E_p = \Pi + P_n - P_3$$

бунда,  $E_{аб}$  – агросаноат мажмуаси маҳсулотлари бозори сиғими;

$\Pi$  – аграр ишлаб чиқарувчилар томонидан бозорга таклиф қилинган товарлар ва хизматларнинг умумий хажми;

$P_n$  - импорт хажми;

$P_3$  - экспорт хажми.

Ички агробозор сиғимини ҳисоблашда бошқа омиллар ҳам ҳисобга олинади: тулов қобилиятига эга талаб, йил бошидаги товар захиралари қолдиги, товарлар бозорининг умуман (рақобатчилар товарлари билан ҳам) тўйинганлиги, киши бошига уртача истеъмол, қорхона, ташкилот эҳтиёжлари.

Иқтисодийнинг айрим тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини, уларнинг ривожланишининг техник ва технологик даражаси ташқи фирмалар, давлат ва тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларини ҳам, шунингдек эътиборга олиш керак. Муаммони нисбатан кенг, ҳар томонлама ва комплекс ўрганиш керак.

Агросаноат мажмуаси ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз товарларининг агробозордаги улушини ортишига ҳаракат қилиши керак, бу нарса шу бозордаги етакчиликка эришишнинг асосий омилidir. Лекин бунда бозордаги улушнинг ортиши билан агросаноат мажмуаси қорхоналар оладиган фойда ўртасида узвий алоқадорлик қонунияти мавжуд.

Бу масалани амалга ошириш учун баҳонинг пасайиши, товар сифатининг ортиши, янги товарларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, рекламани кенгайтириш ва умуман агрофирма "имиджи"ни оширишга йўналтирилган агромаркетинг фаолиятини кучайтириш керак.

Агромаркетингда товарлар бўйича бозор улушини ҳисоблаш формуласи:

$$q_a = 1 : \left( \frac{\sum b_i}{b_a} + 1 \right) \cdot \frac{m}{K_a}$$

бу ерда:

$q_a$  - товар улуши;

$K_a$  - товарнинг рақобатга лаёқати;

$m$  - талаб ва таклиф орасидаги нисбат кўрсаткичи;

$b_a$  - товар етказиб берувчининг обрўси кўрсаткичи;

$b_a$  - рақобатчи фирма обрўси кўрсаткичи.

Агромаркетинг фаолиятининг муҳим вазифаси агрофирма имкониятларини бозордаги улушининг астасекин ортишига йўналтириш ва тадбирлар ишлаб чиқишдир. Бу нарса чуқур илмий изланишлар ўтказишни, агробозор "бўшлиғи"ни аниқлашни талаб қилади. Агромаркетинг "бўшлиғи" бозорнинг шундай сегментики, бу ерда маҳсулот ёки

товар сотиш учун энг яхши шароитлар ва шу агрофирма иши учун қулайликлар мавжуд бўлади. Бу ишни амалга оширишда бозорни сегментлаш алоҳида аҳамият касб этади.

## **2. МЕВАЛАРНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Доцент У.Умаров

1. Стандартлаштириш тизими, стандартлаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тоифалари
2. Стандартлаш бўйича ишларни ташкил этиш
3. Меваларни стандарлаштириш қоидалари
4. Меваларни истеъмолчиларга етказиб беришдаги сифат кўрсаткичларини аниқлаш услублари
5. Меваларни истеъмолчиларга етказиб беришдаги маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар.

### ***Стандартлаш тизими***

Стандартлашга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш масаласи юкланган:

-маҳсулот сифати ва номенклатурасига энг мақбул талабларни истеъмолчи ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

-давлат, республика фуқаролари ва экспорт эҳтиёжлари учун тайёрланадиган маҳсулотга тегишли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатларни, унинг ишланмаси, ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши, шунингдек, бу ҳужжатлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш қоидаларини яратиш;

-стандартлар талабларини халқаро, минтақавий ва саноати ривожланган хорижий мамлакатлар стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;

-маҳсулотнинг мослашувчан (конструктив, электрик, электромагнит, ахборот, дастурий ва бошқалар), шунингдек, ўрнини босувчи барча турларини таъминлаш;

-буюмларнинг параметрик ва тур-ўлчов қаторини, базавий конструкцияларини, лойиҳа-унификацияланган блок-модуль таркибий қисмини белгилаш ва қўллаш асосий унификациялаш;

маҳсулот кўрсаткичлари ва тавсифномалари, унинг элементлари, бутловчи буюмлари, хом ашё, материалларини ўзаро мослаш ва бир-бирини боғлаш, метрологик меъёр, қоида, ҳолат ва талабларни белгилаш;

стандартлаш бўйича халқаро тажрибадан амалда фойдаланишни кенгайтириш, мамлакатнинг халқаро минтақавий стандартлашдаги иштирокини кенгайтириш;

-халқаро, минтақавий ва хорижий мамлакатлар миллий стандартларидан, агар уларнинг талаблари Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирадиган бўлса, тўғтидан-тўғри фойдаланиш амалиётини кенгайтириш;

-психологик жараёнлар учун талабларни белгилаш;

-машғулотни стандартлаш ва улар натижаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик доирасида тадбирлар ўтказиш;

-техник иқтисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва киритиш;

-маҳсулот сифатини синаш, сертификатлаш, баҳолаш ва назорат қилишни меъёрий-техник жиҳатидан таъминлаш.

### ***Стандартлашнинг асосий тамойиллари***

Стандартлаш бўйича миллий орган Ўзбекистон Республикасида стандартлаш соҳасидаги ишни қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади: ихтиёрийлик, ошкоралик, байналминаллик, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини рағбатлантирувчи ҳамда номақбул хилма-хиллик тўсиқ қўйувчи стандартланинг комплекслиги ва уйғунлашуви бўйича тадбирларда барча манфаатдор томонларнинг иштироки.

Стандартларни ишлаб чиқиш чоғида стандартлашнинг ўзаро боғланган объектларини, бу объектларга қўйиладиган талабларни мувофиқлаштириш ва стандартлаш бўйича норматив ҳужжатларнинг ҳамда норматив ҳужжатларга киритилган энг мақбул талабларнинг амалда жорий этиш бумуддатлари билан боғлаш орқали комплекс стандартлашни таъминлаш зарур.

Стандартлардаги эскирган кўрсаткичларни фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига, мамлакат ва чет эл илғор тажрибасига таянган ҳолда вақти-вақти билан янгилаб бориш зарур.

Стандартлар фақат маҳсулот хусусиятлари ва ундан фойдаланиш сифатларини аниқлаш учун зарур бўладиган талабларнигина белгилаши даркор.

Стандартлар объектив текширилиши мумкин бўлган талабларини ўз ичига олади. Стандартлар маҳсулотни сертификациялашга яроқли бўлиши керак. Стандартлар уларнинг талабларини бир маъноли тушунишни таъминлаш учун аниқ ва тушунарли баён этилиши лозим.

### ***Стандартлаш бўйича ишларни ташкил этиши***

Стандартлаш бўйича миллий орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2-мартдаги “Ўзбекистон Республикасида стандартлаш ишини ташкил этиш тўғрисида»ги 93-сонли қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази (Ўздавстандарт) ҳисобланади. Республикада стандартлаш ишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва энг мақбул даражасини таъминлашни қуйидагилар амалга оширади:

-тармоқлараро мақсаддаги маҳсулот бўйича-Ўздавстандарт;

-қурилиш ва қуриш саноати соҳасида, бунга лойиҳалаш ва конструкциялаш ҳам киритилади-Ўзбекистон Республикаси Давлат қурилиш қўмитаси (Давқурилиш);

-табiiй ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлослантириш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишни тартибга солиш соҳасида-Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

-тиббiiй мақсаддаги маҳсулот, тиббiiй техник буюмлар, доривор воситалар ва республика саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулотда инсон учун зарарли моддалар соҳасида-Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаш иши Ўздавстандарт томнидан корхоналар, бирлашмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг стандартлаш техник қўмиталарининг истиқбол иш режалари (дастурлари) асосида тузилган йиллик режалари бўйича амалга оширилади.

Республика стандартлаш режасига биринчи навбатда халқаро минтақавiiй ҳамда бошқа мамлакатлар миллий стандартлари билан уйғунлашадиган, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз бўлган, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий, ижтимоiiй-иқтисодiiй ва илмiiй-техник дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган миллий стандартларни ишлаб чиқиш киритилади.

Ўздавстандарт, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давқурилиш ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бюджет маблағлари стандартлар ишлаб чиқиши учун буюртмачилар ҳисобланади. Шунингдек, тегишли маҳсулотлар турларини ишлаб чиқарадиган ёки истеъмол қиладиган вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, концернлар, уюшмалар ва бошқа тузилмалар, истеъмолчиларнинг жамоа ташкилотлари, илмий-техник жамиятлар ва бошқалар ҳам буюртмачи саналади. Бу ишланмаларни сармоя билан таъминлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техник шартлари қоидага биноан стандартлаш техник қўмиталари-манфаатдор ташкилотлар ва корхоналарнинг ваколатли вакиллари бўлган мутахассислар уюшмаси ёки стандартлаш базавий ташкилотлари кучи билан ишлаб чиқилади.

Стандартлаш техник қўмиталари ва базавий ташкилотлари ўзаро ишлаб чиқаётган Ўзбекистон Республикасининг республика стандартлари ҳамда техник шартлари сифати ва муддатлари учун амлдаги қонунчиликка бу ишларни амалга ошириш учун тузилган шартномаларга мувофиқ жавобгар бўлган.

Ўздавстандарт, Давқурилиш., Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика стандартларини ва уларга ўзгартиришларни кўриб чиқади, тасдиқлайди, муддатини узайтиради ва бекор қиладди.

Республика стандартлари ва уларга ўзгартиришлар, уларни тасдиқлаш даражасидан қатъи назар, Ўздавстандартда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Республика стандартлаш ишига умумий методик раҳбарликни Ўздавстандарт таъминлайди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари стандартлаш ишини ташкил эти шва мувофиқлаштириш учун зарур бўлган ҳолларда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва Ўзбекистон Республикаси бошқа хўжалик тузилмалари ва стандартлаш базавий ташкилотларининг фан ва техниканинг тегишли соҳаларидаги юксак илмий-техник салоҳиятли ташкилотлардан стандартлаш бўлинмалари ташкил этилади.

Корхоналар раҳбарлари корхоналардаги стандартлаш ишининг ташкил этилиши ва ҳолати учун бевосита жавобгар бўладилар. Корхоналар зарур ҳолларда стандартлаш бўйича ишларга ташкилий-методик ва илмий-техник раҳбарликни амалга оширувчи стандартлаш бўлинмаларини ташкил этади.

### ***Стандартлаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тоифалари, стандартлар турлари***

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаш объектларига қўйиладиган талбларни белгиловчи меъёрий ҳужжатларнинг (МДХ) қуйидаги тоифалари амалда:

\*Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг давлатлараро стандартлари (ГОСТ);

\*Ўзбекистон Республика стандартлари (ЎзРСТ), техник шартлари (ЎзТШ);

\*Корхоналар, бирлашмалар, фирмалар, концернлар ва бошқа хўжалик субъектлари стандартлари (ЎзСТП);

\*Хорижий мамлакатларнинг халқаро минтақавий ва миллий стандартлари (ИСО, МЭК ва бошқалар).

Миллий стандартлаш объектларига қуйидагилар киритилади:

Умумтехника объектлар, бунга ягона техник тил, умуммашинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг намунавий конструкциялари, материаллар ва моддалар хусусиятлари тўғрисида ишончли маълумотлар, техник-иқтисодий ахборотни таснифлаш ва

кодлаш, давлат илмий-техник объектлари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий мақсадли дастурлар ва лойиҳалар;

Республика (ёки муайян корхоналарга) ўз маҳсулоти ёки технологиясининг рақобатбардошлигини таъминлаш имконини берадиган фан ва техника ютуқлари;

Республикада ички эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлаб чиқариладиган ва бошқа давлатларга экспорт қилинадиган маҳсулот.

